ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

6 ЖИЛД, 3 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 6, НОМЕР 3

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 6, ISSUE 3

ТОШКЕНТ-2021

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ | ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF LAW RESEARCH
№3 (2021) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2021-3

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:
д.ю.н., проф.
(Doctor of Law, Professor)
Абдурасулова Қумринисо Раимқуловна

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:
д.ю.н., доцент
(Doctor of Law, Associate professor)
Файзиев Шохруд Фармонович

Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет журнала Правовых исследований
Editorial Board Journal of Law research

12.00.01 - Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи / Теория права и государства, История правовых учений / Theory of law and state, History of legal doctrines

ю. ф. д., проф. Ҳалимбой Бобоев
ю. ф. д., проф. Ахмедшаева Мавлюда
ю. ф. д., проф. Мухиддинова Фирюза
ю. ф. д., проф. Адилходжаева Сурайё
ю. ф. д., проф. Сатторов Абдуғаффор
Yosuke Shamoto (Japan)
д.ю.н., проф. Артур Гамбарян
(Республика Армения)

12.00.02 - Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи / Конституционное право; административное право; финансовое право / Constitutional Law; administrative law; financial right

ю. ф. д. Гулчехра Маликова
ю. ф. д. Хусанов Озод
ю. ф. н. Хван Леонид Борисович
ю. ф. д. Силиманова Светлана
Sung Un Lee (South Korea)
д.ю.н., доц. Пешкова Христина Вячеславовна
(Российская Федерация)

12.00.03 - Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ / Гражданское право; предпринимательское право; семейное право; международное частное право / Civil law; Business law; family law; Private international law

юридик фанлар доктори, профессор Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Оқюлов Омонбой, Рузиев Рустам, Рузиназаров Шухрат, Шомухамедова Замира, Баратов Миродил, Бобоқул Тошев
Dr. Ahmad Issa Altweissi (Jordan)

12.00.04 - Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва медиация / Гражданское процессуальное право; хозяйственное процессуальное право, арбитражный процесс и медиация / Civil Procedure Law; Economic procedural law, arbitration process and mediation

юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Эсанова Замира Нормуродовна, Мамасидиқов Музаффар
Jason A. Cantone Federal court center (USA)

12.00.05 - Меҳнат ҳуқуқи.Ижтимоий таъминот ҳуқуқи / Трудовое право; право социального обеспечения / The Labor law; Social security law

ю.ф.д., проф. Усманова Муборак Акмалхановна
ю.ф.н., доц. Гасанов Михаил Юриевич
ю.ф.н., доц. Сатторова Гулноза
ю.ф.н., доц. Муродова Гулнора
д.ю.н., проф. Денисов Глеб
(Российская Федерация)

12.00.06 - Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ / Природоресурсное право; аграрное право; экологическое право / Natural resource law; Agrarian law; Environmental law

Ю.ф.д., проф. Файзиев Шухрат Хасанович, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист ю.ф.н, доц. Скрипников Николай Кузмич, ю.ф.д., проф. Усмонов Муҳаммади Бахридинович, ю.ф.д., проф. Холмўминов Жума, ю.ф.д., проф. Жўраев Юлдаш Ачилович

Долгополов Кирилл Андреевич (Российская Федерация)

12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура / Судебная власть. Прокурорский надзор. Организация правоохранительной деятельности. Адвокатура / The judicial authority. Prosecutor supervision. Organization of law enforcement activities. Advocacy

Ю.ф.д., проф. Пўлатов Бахтиёр Халилович, Ю.ф.д. Саломов Бахром Саломович, ю.ф.д., проф. Салаев Нодирбек Сапарбаевич (Тошкент давлат юридик университети)

James B. Eaglin Федерал суд Маркази (АҚШ) д.ю.н., проф. Кайрат Осмоналиев (Қирғизистон Республикаси) к.ю.н., доц. Сергей Шошин (Российская Федерация), д.ю.н., проф. Алексей Кибальник (Российская Федерация), д.ю.н., проф. Кудрявцев Владислав Леонидович (Российская Федерация)

12.00.08 - Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи / Уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право / Criminal law and criminology; Criminally-executive law

Ю.ф.д., проф. Кабулов Рустам, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, ю.ф.д., проф., Рустамбаев Мирзаюсуп Ҳакимович, ю.ф.д., проф. Ражабова Мавжуда Абдуллаевна, ю.ф.д., проф. Зуфаров Рустам Ахмедович, ю.ф.д., проф. Тахиров Фарход, ю.ф.д., проф. Исмоилов Исомиддин,

Matthew Light (Canada), проф. Юлдошев Рифат Рахмаджонович (Республика Таджикистан), д.ю.н., проф. Елене Антонян Александровна (Российская Федерация), д.ю.н., проф. Джансараева Рима Ернатовна (Республика Казахстан), Кирил (Российская Федерация)

12.00.09 - Жиноят процесси. Криминалистика. тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси / Уголовный процесс, криминалистика, оперативно-розыскное право и судебная экспертиза / Criminal procedure, criminalistics, operative-search law and judicial examination

Ю.ф.д., проф. Иноғомжонова Зумратхон Фатхуллаевна, ю.ф.д., проф. Пўлатов Юрий Сайфиевич, ю.ф.д. Мухиддинов Фахриддин, ю.ф.д., проф. Тўлаганова Гулчеҳра Заҳитовна, ю.ф.д. Миразов Даврон

Kevin Curtin (USA), Jurgen Maurer (Germany), д.ю.н., проф. Стойко Николай Генадьевич (Российская Федерация), Проф. Рыжаков Александр Петрович (Российская Федерация), д.ю.н., проф. Зайниддин Искандаров (Республика Таджикистан), Проф. Сергей Пен (Республика Казахстан), доц. Алексей Пурс (Республика Беларусь)

12.00.10 - Халқаро ҳуқуқ / Международное право / International law

ю.ф.д., проф. Исмоилов Баҳодир, ю.ф.д.,проф. Маткаримов Гулчеҳра, ю.ф.д., проф. Юлдашева Говхержан

Alexander Trunk (Germany)

Мусаҳҳиҳ: Нурмуҳаммад Ҳамидов

Дазайн - саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Гаипов Равшан Абдужалилович
ЖАМОАТ ТАРТИБИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БУГУНГИ КУННИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ.....5

2. Хамдамова Фируза Уразалиевна
ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ИЗБИРАТЕЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА МЕЖДУНАРОДНЫМ СТАНДАРТАМ (ЗАРУБЕЖНЫЙ И НАЦИОНАЛЬНЫЙ ОПЫТ).....13

3. Сайдуллаев Шахзод Алиханович, Рустамов Рустамбой Қувандиқ ўғли
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.....21

4. Сайдивалиева Хуршида Ходжиакбаровна, Алимов Аброр Алишерович
НАУЧНО-ТЕОРИТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ВНЕДРЕНИЯ СОЦИАЛЬНОГО КОНТРАКТА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.....29

5. Ярашев Бобомурод Чалгашевич
МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ЛОКАЛ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....38

6. Зиядуллаев Махмуджон Джуракулович
ФУҚАРОЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИНГ ЎРНИ.....45

7. Джураев Ихтиёр Бахтиёрович
ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК, УНИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ.....53

8. Мирзаев Жаҳонгир Умирзоқович
ТАЛОНЧИЛИК ЖИНОЯТИНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ.....61

9. Марданов Жасурбек Ҳусниддин ўғли
СОЛИҚЛАР ЁКИ БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИ ТЎЛАШДАН БЎЙИН ТОВЛАШ ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ТЕРГОВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ НАЗАРИЯЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....68

10. Шодиев Ғулом Махамматович
РЕАБИЛИТАЦИЯ ТУШУНЧАСИ: ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....76

11. Тулаганова Гулчехра Захитовна, Таджибаева Альбина Юлдашбаевна
СУДЬЯЛАРНИНГ ЧИНАКАМ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТИ.....84

12. Туйчиев Абдулло Орипович
ЎЗЛАШТИРИШ ЁКИ РАСТРАТА ЙЎЛИ БИЛАН ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИШ ЖИНОЯТИНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....93

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF LAW RESEARCH

Шодиев Ғулом Махамматович,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура
Академияси кафедра ўқитувчиси,
Юридик фанлари номзоди
E-mail: gulomshodiyev2021@gmail.com

РЕАБИЛИТАЦИЯ ТУШУНЧАСИ: ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

For citation: Shodiyev Gulom Makhammatovich. THE CONCEPT OF REHABILITATION: EMERGENCE AND DEVELOPMENT. Journal of Law Research. 2021, vol. 6, issue 3, pp.76-83

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2021-3-10

АННОТАЦИЯ

Мақола Ўзбекистон Республикаси жиноят процессида реабилитация мавзусида ёзилган. Кўриб чиқилаётган институт юзасидан энг конструктив назариялар кшриб чиқилди, уларнинг афзаллик ва камчиликлари такидланди. Реабилитация – шахсни жиноий жавобгарликка тортилишдан олдинги вазиятига, олдинги турмуш тарзига қайтаришга қаратилган жараён. Бу "ребилитация" тушунчасига зарарни қоплаш элемнтини киритиш заруратини кўрсатади. Жиноят процесси фанида на жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисида, на "реабилитация" тушунчасининг мазмуни тўғрисида келишув мавжуд эмас. Айни вақтда реабилитация таркибидаги муаммолар кўплаб олимлар ва жамиятни ташвишга солмоқда. Биринчи назария шундан иборатки, "реабилитция"нинг мазмуни шахсни оқлаш ёки жиноят ишини тугатиш ва жиноий таъқиб қилинганларни ребилитация қилишдан иборат. Иккинчи назарияга мувофиқ реабилитация асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилган ва судланган фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини тиклаш, ушбу институт реабилитация қилиш тўғрисидаги қарордан келиб чиқадиган оқибатлар билан боғлиқ.

Калит сўзлар: реабилитация, зарарни қоплаш, реабилитация қилиш ҳолатлари, давлат хайрия назарияси, суғурта назарияси.

Шодиев Гулом Махамматович,
Преподаватель кафедры Академии
Генеральной прокуратуры,
Кандидат юридических наук
E-mail: gulomshodiyev2021@gmail.com

КОНЦЕПЦИЯ РЕАБИЛИТАЦИИ: ВОЗНИКНОВЕНИЕ И РАЗВИТИЕ

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена вопросу реабилитация в уголовном процессе Республика Узбекистан. Рассмотрены наиболее конструктивные теории о содержании рассматриваемого института, выделены их преимущества и недостатки. Реабилитация выступает процессом, перед которым стоит цель вернуть человека в исходное состояние, определенный образ жизни, в котором он находился до того, как в его отношении осуществлялось уголовное преследование. Это вызывает необходимость включения в понятие «реабилитация» элемента возмещения вреда. В науке уголовного процесса не сложилось единого мнения ни по поводу порядка возмещения вреда потерпевшему, ни по содержанию понятия «реабилитация». В данный момент проблемы содержания реабилитации также волнует многих ученых и общество. Первая теория заключается в том, что в содержание «реабилитации» входит факт оправдания лица либо прекращение уголовного дела и уголовного преследования по реабилитирующим основаниям. В соответствии со второй теорией содержанием «реабилитации» выступает факт восстановления нарушенных прав и законных интересов граждан, которые были осуждены и необоснованно подвергнуты уголовному преследованию, содержание данного института связывается с наступившими правовыми последствиями решения о реабилитации.

Ключевые слова: реабилитация, возмещение вреда, реабилитирующие обстоятельства, теория филантропической обязанности государства, страховая теория.

Shodiyev Gulom Makhammatovich,
Lecturer of the Academy of General Prosecutor`s Office
of the Republic of Uzbekistan,
Candidate of legal sciences
E-mail: gulomshodiyev2021@gmail.com

THE CONCEPT OF REHABILITATION: EMERGENCE AND DEVELOPMENT

ANNOTATION

The article is devoted to the issue of the rehabilitation in the criminal process in the Republic of the Uzbekistan. The most constructive theories about the content of the considered institution are considered, their advantages and disadvantages are highlighted. Rehabilitation is a process in front of which the goal is to return a person to the original state, a certain way of life, in which he was before criminal prosecution was carried out in relation to him. The victim has the inalienable right to compensation for the harm caused by the crime, which is one of the main indicators of justice. This makes it necessary to include in the concept of “rehabilitation” an element of compensation for harm. In the science of the criminal process, there was no consensus either on the procedure for compensation for harm to the victim, or on the content of the concept of “rehabilitation”. At the moment, the problem of maintenance of rehabilitation also worries many scientists and society. The first theory is that the content of “rehabilitation” includes the fact of justifying a person or stopping a criminal case and criminal prosecution on rehabilitating grounds. In accordance with the second theory, the content of “rehabilitation” is the fact of the restoration of violated rights and legitimate interests of citizens who have been convicted and unreasonably subjected to criminal prosecution, the content of this institution is associated with the legal consequences of the rehabilitation decision.

Keywords: rehabilitation, compensation of harm, rehabilitating circumstances, the theory of the philanthropic duty of the state, insurance theory.

Бугунги кунда, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш жараёнида жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш ҳамда такомиллаштириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Мазкур вазифани ҳаётга тадбиқ этиш ҳамда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг мутлақо янги устувор

йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси [1] қабул қилинди. Мазкур Концепцияда жиноят ва жиноят-процессидаги айрим институтларни такомиллаштириш вазифаси белгиланган эди.

Шунга кўра, жиноят-процессида "Жиноят процессида реабилитация" институтини татқиқ этиш ҳамда унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мазкур институтни такомиллаштиришнинг янгича методологик асосларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўз навбатида, замонавий юриспруденция талаблари асосида "Жиноят процессида реабилитация" институтини такомиллаштиришда бир нечта вазифалар олдимизда турибди. Мазкур вазифаларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

1) жиноят-процессуал қонунчилигига илғор хорижий тажрибани имплементация қилиш орқали "Жиноят процессида реабилитация" ҳолатларини қайта таҳлил этиш ҳамда мазкур ҳолатларни қўллаш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш;

2) замонавий юриспруденция талаблари асосида "Жиноят процессида реабилитация" ҳолатларининг айрим турларини такомиллаштириш.

Жиноят процессида реабилитация ҳамда уларни қўллаш тартиби хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам, миллий қонунчилигимизда ҳам белгилаб қўйилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасида **реабилитация учун асослар** келтирилган бўлиб, мазкур моддада **3 та** ҳолат белгилаб қўйилган.

Бироқ, Жиноят-процессуал кодексида **жиноят процессида реабилитация** тушунчасининг мазмун-моҳияти аниқ очиб берилмаган. Шундай бўлса ҳам, бир қанча олимлар ушбу тушунчанинг мазмун-моҳиятини назарий жиҳатдан тушунтиришга ҳаракат қилишган.

Ҳуқуқшунослар бир неча асрлар давомида реабилитация тушунчасидан фойдаланиб келганлар. Н.И. Миролюбовнинг сўзларига кўра, у биринчи марта ўрта аср француз легисти Блейнианус томонидан маҳкумни барча собиқ ҳуқуқларини тиклаш билан кечиришнинг энг қадимги институтига мурожаат қилиш учун ишлатилган [2].

Дастлаб, қонун жазони жиноятчи томонидан содир этилган жиноят учун жиноятчига жазо сифатида белгилаган. Жазо жиноятчини доимий равишда жамиятдан ажратиб қўйиш учун қўлланилган. Вақт ўтиши билан, жиноятчини қайта тарбиялаш йўли сифатида жазолаш ҳақидаги қарашлар пайдо бўла бошлади ва мукаммаллашиб борди. Шунга кўра бирор бир ҳуқуқдан маҳрум қилиш вақтинчалик бўлиб қолди. Жиноий жазога тортилган шахсга маълум шароитларда вақт ўтиши билан ўз ҳуқуқлари ва ижтимоий мавқеини тиклаш имконияти яратилди. Ушбу тикланиш реабилитация деб аталди. Афв этиш усули сифатида пайдо бўлган реабилитация мустақил ҳуқуқий институтга айланди.

Ҳуқуқий институт сифатида реабилитация "бир ҳил ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ва бир ёки бир неча ҳуқуқ тармоқларига кирувчи ҳуқуқий нормаларнинг алоҳида гуруҳи" [3].

Бу мезонларга айбсизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш тартиби, номининг оқланиши ва уларга етказилган зарарни қоплашни белгиловчи нормалар киритилган. Улар ҳуқуқий тартибга солишнинг аниқ белгиланган субъекти – ноқонуний ёки ғайриқонуний жиноий жавобгарликка тортиш натижасида зарар етказишдан келиб чиқадиган муносабатлар, яъни реабилитация қилиш муносабатларини тартибга солади.

"Ўрта аср жиноят процессида давлат жавобгарлиги ғоясини амалга ошириш имкониятини тасаввур қилиш қийин масала. Жиноят ишини юритиш тарихининг дастлабки даврларида зарарни қоплаш мажбурияти прокурорлар, судялар, мансабдор шахслар зиммасига юклатилган" [4].

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Ғарбий Европа мамлакатларида ва XIX асрда Россияда реабилитация қилиш айблов билан боғлиқ барча ҳуқуқий ҳаракатларнинг келажагига якун

деб тушунилган. Бу орқага қайтиш кучига эга бўлмаган ва муддатидан олдин жавобгарликни тугатишга хизмат қилган, ёки фуқароларни маълум вақт ўтгач оқлашга қаратилган тушунча бўлган.

Шу ўринда "реабилитация" атамасига тўхталадиган бўлсак, "реабилитация" атамаси лотин тилидан кириб келган [5]. Реабилитацияни лотин тилидан таржима қилганда қобилиятларни янгилаш (мувофиқлик) деган маънони англатади. С.И. Ожеговунинг фикрича, реабилитация – олдтнги чекланмаган обрў-эътиборни тиклаш (ёки олдинги ҳуқуқларни тиклаш) [6].

Жиноят процесси доирасдаги юристлар бу атамани бир неча юз йиллардан бери ишлатиб келишмоқда. Н.И. Миролюбованинг фикрича бу атамани биринчи бўлиб ўрта асрлар тилшуности Блийнеанус ўрганган, унинг фикрича бу қадимги институт бўлиб, судланган шахснинг олдинги ҳуқуқлари деген манони англатади.

Ҳозирги вақтда реабилитацияга турлича тушунтиришлар келтирилган. Рус олимлари реабилитация атамасини қуйидаги тушунтиришади: 1) нотўғри айбланган шахсни обрғ-эътиборини тиклаш; 2) суд томонидан ноқонуний судланган шахсни барча ҳуқуқларини тиклаш [7].

Амирика Қўшма Штатлари ва Буюк Британияда реабилитация атамаси жиноят содир этганлиги учун жазони ўтаган шахсларнинг ҳуқуқий мақомини тиклаш, шунингдек, ноқонуний жабрланганларни олдинги обрў-эътиборини тиклаш.

Оксфорд юридик луғатида маҳкумларни реабилитация қилиш "оғир жиноят содир этган шахс судлангандан кейин маълум вақт ўтгач, ҳеч қачон жазоланмагандек муносабатда бўлиш" принципи сифатида талқин этилади [8].

Олим Т.В. Могуйлонинг фикрича, реабилитация – жиноий жавобгарликка ноҳақ тортилган фуқаронинг ҳуқуқлари давлат томонидан тўлиқ ва ҳар томонлама тикланиши ҳисобланади. Бу олимнинг фикрича реабилитация қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади: мулкий ҳуқуқларни тиклаш, маънавий зарарни қоплаш, меҳнат ва пенсия ҳуқуқларини тиклаш [9]. Бу Ўзбекистон Республикасида судланганлигини олиб ташлаш институти билан бир хил ҳисобланади.

Т.Т. Таджиеванинг амалий аналогик қарашларига кўра, реабилитация деганда белгиланган жтноят-роцессуал актида белгиланган воқеа ёки жиноят таркибининг йўқлиги ёки ўрнатилмаганлиги, шунингдек, ҳуқуқни мухофаза қилувчи органлар томонидан ушбу шахс томонидан жиноят содир этишда иштирок этганлигининг етарли даражада исбот қилинмаганлиги [10].

Юқоридагиларга ўхшаш тарифлардан яна бири А.Г. Эдиляна томонидан айтилган бўлиб, унга кўра қонунда назарда тутилган ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган томонидан реабилитация қилиш тўғрисидаги қарори, унда асос жиноят таркибининг йўқлиги (норманинг ўрнатилмаганлиги), ёки нотўғри судланаган шахснинг жиноят содир этишда иштирок этганлигини тасдиқловчи далилларнинг етарли эмаслиги ҳисобланади [11].

Л.В. Бойцовнинг бу борадаги фикри алоҳида эътиборга молик, у реабилитация йўқолган ҳуқуқ ва имтиёзларни қайтариш, ҳуқуқий чекловларни бекор қилиш, айбсиз шахсларни асоссиз судланганлиги, ноқонуний қўлланилган тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини бекор қилиш, шунингдек, келажакда ҳуқуқий лаёқатни тиклаш деб тариф берган [12].

Олим В.Й. Низамов реабилитацияни жиноят процессининг энг муҳим институти сифатида қайд этиб, у мулкий, маънавий зарарни қоплаш, асоссиз жиноий жавобгарликка тортилган ёки уларга асоссиз равишда жиноят-процессуал мажбурлов чоралари қўлланилганлиги натижасида йўқотилган бошқа ҳуқуқларни тиклашни ўз ичига олади.

Д.С. Просвиринанинг фикрича "реабилитация" атамаси бир неча маъноларни билдиради:

– зарар етказганлигининг оқибатларни бартараф этиш;

– жиноий жавобгарликка тортишдан олдинги обрў-эътибор ва ҳуқуқларини тиклаш [13].

Биз ҳам юқоридаги муаллифларнинг фикрига қўшилган ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, реабилитация ноҳақ жиноий жавобгарликка тортилган ёки ноҳақ мажбурлов чораси қўлланилган шахсларни ҳуқуқларини тиклаш, моддий ва маънавий зарарни қоплашдан иборат бўлиши мумкин.

Шахсни реабилитация қилишда асосий муаммо кўпинча моддий ва маънавий зарарни қоплашда келиб чиқади. Реабилитация қилинган шахсларга моддий ва маънавий зарарни қоплаш Ўзбекистон Республикасида бюджетидан қопланади.

Жиноят процесси олимлари орасида реабилитация тушунчаси бўйича ҳам жабрланувчига зарарни қоплаш тўғрисида ҳам бир хил қарашга келинмган. Юқоридаги тушунчалар юзасидан қуйидаги олимлар илмий изланишлар олиб борган: Н.И. Лазаревский, Н.И. Миролюбов, И.Я. Фойницкий, С.И. Викторский, Л.В. Бойцова, П.И. Люблинский, Н.Н. Розин. Ҳозирги вақтда кўплаб олимлар реабилитация борасида илмий ишлар олиб бормоқда. Қуйида биз реабилитация тушунчасининг замонавий назарияларига тўхталиб, бу қарашларнинг камчилик ва афзалликларини кўриб чиқамиз.

Биринчи навбатда кўрадиган назариямиз шуни назарда тутадики, реабилитация – шахсни оқлаш ёки жиноят ишини тугатиш ва реабилитация асосларига кўра жиноят ишини юритишни ўз ичига олади. Бу назарияни рус олими Б.Т. Безлепкин илгари суриб, у реабилитация ўз ичига фақатгина оқлов ҳукмини, қайси шахсларни зудлик билан озод қилиш ва зарарни қопламаган ҳолда оқлов ҳукмини ижро қилишдан иборат. Зарарни қопламасдан оқлов амалга оширилганлиги натижасида, оқлов ҳукми чиқарилгандан кейин реабилитация тушунчаси доирасида ҳуқуқий оқибат юзага келади.

Иккинчи назария юқоридаги назариянинг мутлоқо қарама-қаршиси бўлиб, унга кўра реабилитация этилган шахс қонунга хилоф равишда ушлаб турилгани, эҳтиёт чораси сифатида қонунга хилоф равишда қамоқда сақлангани ёки уй қамоғига жойлаштирилгани, паспортининг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилиши қонунга хилоф равишда тўхтатиб турилгани, ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилингани туфайли вазифасидан қонунга хилоф равишда четлаштирилгани ёхуд тиббий муассасага қонунга хилоф равишда жойлаштирилгани натижасида унга етказилган мулкий зарарни ундириш ҳамда маънавий зиён оқибатлари бартараф этилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Реабилитация қилинган шахсга етказилган зарар унинг талабига асосан суд, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан кўриб чиқилиб, зарар қопланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 304-моддасининг 1, 3, 4, 5 ва 6-бандларида кўрсатилган зиён молия органлари томонидан, 2-бандида кўрсатилган зиён Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимлари томонидан давлат бюджети ҳисобидан қопланади.

Иккинчи назария шуни қўрсатадики, реабилитация институти жиноят процессида оқланган шахсларни қонуний ҳуқуқларини тиклаш, жиноий жавобгарликка тортилиши ёки мажбурлов чоралари оқибатида унга етказилган моддий ва манавий зарарни қоплашни ўз ичига олади.

Ушбу назариянинг камчилиги шундаки, моддий ва маънавий зарар реабилитациянинг асосий белгиси бўлишига қарамай, моддий ва манавий зарарни қоплаш реабилитация қилинувчининг иродасига боғлиқ. Бу ҳолатда реабилитация қилинувчи шахс моддий ва маънавий зарарни қоплашни талаб қилмаслик ҳуқуқи бор, тўғрироғи моддий ва маънавий зарар реабилитация қилинувчининг даъвоси билан қўзғатилади.

Учинчи назария юқоридаги икки назариянинг йиғиндиси бўлиб, унга кўра реабилитациянинг мазмуни шундан иборатки, реабитация шахсни оқлаш ва унинг қонуний ҳуқуқларини тиклашни ўз ичига олади, яъни бу назария ҳам шахсни реабилитация қилиш ҳақидаги ҳужжатни ҳам бўзулган ҳуқуқларини тиклашни амалга оширишни ўз ичига олади [14].

Рус олими М.И. Пастуховнинг такидлашича, реабилитация фақатгина шахснинг жиноят процессида ҳуқуқларни тан олиш эмас, балки ушбу қарорни амалга ошириш бўйича чораларни кўришни, асоссиз жиноий жавобгарликка тортилган ёки судланган шахсларнинг

олдинги ҳуқуқларн тўлиқ тиклаш, маънавий ва моддий зарарни қоплаш билан боғлиқ бўлган чораларни ҳам ўз ичига олади.

Бу ҳолатда реабилитация қуйидаги таркибий элементларга бўлинади:

– шахснинг жиноят содир этишда айбсизлигини этироф этиш;

– зарарни қонуний равишда қоплаш, жиноий таъқиб қилиш ёки суд жараёнида бузулган ҳуқуқларни тиклаш.

XIX аср охири XX аср бошларида наҳақ айбланган шахсларни давлат томонидан реабилитация қилиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. Уша давр қонунчилигидаги бўшлиқларга, зиддиятларга ва камчиликларга қарамай, давлатнинг шахс олдидаги жавобгарлиги принципи кўплаб мамлакатлар қонунчилигида мустаҳкамланган ва XIX асрнинг охирида у қонун устуворлиги жиҳатдан ҳар қандай давлат ҳуқуқининг энг муҳим тамойилларидан бири сифатида тан олинган.

Кўплаб ҳуқуқ соҳасидаги олимлар давлат томонидан етказилган зарар учун товон пули масалаларини кўриб чиқиб, айбсиз одамга етказилган зарар учун давлат жавобгарлиги ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий, ҳам ҳуқуқий аҳамиятга эга эканлигини тушунтиришган. Юқоридаги масалалар билан қуйидаги рус олимлари изланишлар олиб боришган: П.Н. Гуссаковский, А.А. Левенстим, Н.Н. Розин, Г.С. Фельдштейн, М.В. Духовской, И.Я. Фойницкий, Н.Н. Лазаревский, П.И. Люблинский, Т.Г. Тальберг.

Уша даврдаги жиноят процессида мансабдор шахсларнинг, шу жумладан судяларнинг мустақил жавобгарлигини давлат жавобгарлиги билан алмаштириш керак деган фикр мавжуд эди, аммо бу масала кўплаб мунозараларга сабаб бўлган.

П.И. Люблинскийнинг назариясига кўра, ноқонуний жиноят таъқиб қилиш натижасида етказилган зарар нафақат хусусий манфаатларга, балки жамоат мафаатларига ҳам зарар етказади. Шахс мансабдор шахслар ва давлат органларининг асоссиз ҳаракатлари туфайли ижтимоий ҳаётдан узулиб қолганлиги учун, у нормал ижтимоий муносабатлардан чиқиб кетади, бу эса давлатнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа манфаатларига зарар етказади. Ушбу назариядан хулоса қилиш мумкинки, етказилган зарар жамоатчилик манфаатлари учун бюджетдан тўланиши керак. Шунинг учун жавобгарликни маълум бир шахс зиммасига юклаш мантиқсизликдир [15].

Юқорида кўриб чиқилган назарияга ўхшаш М Вич назарияси ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра давлат бутун жамиятни ифодалайди ва у шахсга ноқонуний жиноий тақиб қилиш натижасида етказилган зарар, шу жумладан ноҳақ жазо ўтаган муддати учун жавобгар бўлиши керак [16]. Шу билан бирга, М. Вич мансабдор шахсларни ноқонуний ҳаракати натижасида давлат кўрган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эканлигини тан олади.

Юқоридаги назариялар билан бир қаторда профиссионал хавф назарияси пайдо бўлди. Бу назариянинг тарафдорлари Ларнаде, Пойтевн, Орландолар бўлган. Бу назарияда катта саноат корхоналарининг жавобгарлиги назарда тутилган бўлиб, шу орқали давлат жавобгар бўлиши зарурлиги тушунтирилади.

Юқоридаги назария уша давр олимлари томонидан фаол танқид қилинган. Танқидчиларнинг фикрича давлат таваккалчилиги ва тадбиркор таваккалчилигин тенглаштириб бўлмайди, чунки давлат қарашлари тадбиркор қарашларидан фарқ қилади.

Шунингдек, суғурта жавобгарлиги назарияси ҳам эътиборга лойиқ. Унга кўра давлат ғазнаси мажбурияти суғурта мажбуриятига тенглаштирилади. Ушбу назарияда қуйидаги камчиликларни кўришимиз мумкин:

– суғурта шартномасидаги шаклнинг нотўғрилиги;
– реабилитация муносабатларида зарарнинг суғуртага қараганда фарқли табиати мавжудлиги;
– зарарнинг ҳажми жамият манфаатларидан келиб чиқиб, давлат томонидан белгиланиши.

Ноқонуний хатта-ҳаракатлар учун жавобгарлик назарияси иккига бўлинади:

– ҳуқуқларини йўқотган шахсга мукофот;

– жабрланувчига хайрия сифатида берилган мукофот. Ушбу назария тарафдори Н.Н. Розин.

Бу борадаги қизиқарли назариялардан яна бири жиноят процесси фанида хайрия назарияси бўлиб, уни И.Я. Фоиницкий қўллаб-қувватлаган. Ушбу назария шундан иборатки, ноқонуний жиноий жавобгарликка тортиш натижасида етказилган зарарни қоплаш давлат зиммасига юкланмайди. И.Я. Фоиницкий инсон томонидан амалга ошириладиган адолатнинг мукаммал эмаслига кўпинча айбсизларни жазоланишига олиб келади, деб такидлаган. И.Я. Фўиницкий зарани қоплаш керак, аммо бу компинсация жабрланувчининг ҳуқуқи эмас, балки давлат сиёсатининг ахлоқий ва инсонпарварлик меёридир, деб таъкидлайди.

Юқоридаги назариялар таҳлилиданан ҳам кўриниб турибдики, жиноят процессида реабилитация тушунчаси алоҳида муҳим ўринга эга. Замонавий ҳуқуқ назарияси ва классик ҳуқуқ назарияларини чуқур таҳлил қилиш орқали қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Жиноят процессида реабилитация тушунчаси реабилитация қилинувчи шахсни, реабилитация қилиниш процесси ва унинг натижасини тушунтириб беради. Реабилитация қилинувчи шахс тушунчасини ёритадиган бўлсак, ноқонуний жиноий жавобгарликка тортилган, ноҳақ айблаб ҳукм чиқарилган, ноҳақ мажбурлов чоралари қўлланилган ва ноқонуний тезкор-қидирув фаолияти орқали зарар етган шахс реабилитация қилинувчи шахс дейилади.

Реабилитация қилиниш процессига тариф берадиган бўлсак, шахсни ноҳақ айбланганлигини аниқлаш, реабилитация қилиш ҳақида ҳукм ёки қарор чиқариш процессуал ҳаракатларидан иборат ҳаракатлар мажмуини реабилитация қилиш процесси дейиш мумкин. Аслида бу ҳаракатлар жуда кўп санаш мумкин бўлган майда процессларга бўлиб ўрганилиши мумкин.

Реабилитация қилиниш натижаси деганда, реабилитация қилинган шахсни олдинги ҳуқуқларини тиклаш, моддий ва манавий зарарни қоплаш тушунилади.

Юқоридаги учта тушунчани жамлаш натижасида реабилитация атамасининг тулиқ кўриниши юзага келади.лекин ушбу ҳолатда ҳам реабилитация атамаси тўлиқ ёритилади дейиш хато бўлади.

Реабилитация том маънода айтганда шахсни жиноий жавобгарликка торганча, мажбурлов чораси қўлланилган ёки жиноят қидирув фаолияти орқали зарар етишидан олдинги ҳуқуқларини тиклаш ва етказилган зарарни қоплпшдпн иборат. Ушбу ҳолатда етказилган зарарга кўрилиши мумкин бўлган фойда ҳам киради.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3723/1225-сон. (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan “On measures to radically improve the system of criminal and criminal procedure legislation” dated May 14, 2018 № 3723. The book of information of Supreme Council of Republic of Uzbekistan. 15.05.2018 y., 07/18/3723/1225).
2. Миролюбов Н.И. Реабилитация как специальный правовой институт. Казань, 1902. С.17. (Mirolyubov N. I. Rehabilitation as a special legal institution. Kazan, 1902. p. 17.)
3. Большой юридический словарь / Под ред. Сухарева А.Я., Зорькина В.Д., Крутских В.Е. М., 1999. С. 254. (Big Legal Dictionary / Ed. Sukhareva A. Ya., Zorkina V. D., Krutskikh V. E. M., 1999. p. 254.)
4. Бойцова В.В., Бойцова Л.В. Реабилитация необоснованно осужденных граждан в современных правовых системах: Уч. пособие. Тверь, 1993. С.11 (Boitsova V. V., Boitsova L. V. Rehabilitation of unreasonably convicted citizens in modern legal systems: An academic manual. Tver, 1993. p. 11)

5. Рогачев, Сергей Александрович. Реабилитация в уголовном процессе. // Москва - 2009.- 182 с. (Rogachev, Sergey Alexandrovich. Rehabilitation in criminal proceedings. // Moscow-2009. - 182 p.)

6. Ожегов, С.И. Словарь русского языка. // Екатеринбург - 1994. - С. 785. (Ozhegov, S. I. Dictionary of the Russian language. // Yekaterinburg-1994. - p. 785.)

7. Словарь современного русского языка. М., 1961. Т. 12. С.1051. (Dictionary of the modern Russian language. M., 1961. t. 12. p. 1051.)

8. The Oxford Law Dictionary. Oxford, 1980. P.1053.

9. Таджиев Т.Т. Проблемы реабилитации в советском уголовном процессе: Автореф. дис. …докт. юрид. наук. Ташкент, 1991. С.15. (Tadzhiev T. T. Problems of rehabilitation in the Soviet criminal process: Author's abstract. ... doct. yurid. sciences'. Tashkent, 1991. p. 15.)

10. Эдилян А.Г. Реабилитация в советском уголовном процессе: Дис. … канд. юрид. наук. М.,1977. С.10. (Edilyan A. G. Rehabilitation in the Soviet criminal process: Dis. ... cand. yurid. M., 1977. p. 10.)

11. Бойцова В.В., Бойцова Л.В. Реабилитация необоснованно осужденных граждан в современных правовых системах: Уч. пособие. Тверь, 1993. С. 8. (. Boytsova V. V., Boytsova L. V. Rehabilitation of unreasonably convicted citizens in modern legal systems: A textbook. Tver, 1993. p. 8.)

12. Могуйло Т.В. Проблемы реабилитации в уголовном процессе России. Современность в творчестве вузовской молодежи: Материалы научно-практической конференции молодых учёных. – 2013. – С.119–125. (Moguylo T. V. Problems of rehabilitation in the criminal process of Russia. Sovremennost v tvorchestve vuzovskoy molodezhi: Materials of the scientific and practical conference of young scientists. - 2013. - p. 119-125.)

13. Просвирина Д.С. Понятие и основания реабилитации по уголовнопроцессуальному законодательству России // Вестник Таганрогского государственного педагогического института. – 2016. – №1. – С. 214–219. (Prosvirina D. S. The concept and grounds of rehabilitation under the criminal procedure legislation of Russia / / Vestnik Taganrogskogo gosudarstvennogo pedagogicheskogo instituta. - 2016. - No. 1. - pp. 214-219.)

14. Козаченко И. Я., Погосян Т. Ю. Уголовная ответственность. Общая часть. М.: Норма, 2000. 324 с. (Kozachenko I. Ya., Pogosyan T. Yu. Criminal liability. General part. Moscow: Norma, 2000. 324 p.)

15. Люблинский П.И. Свобода личности в уголовном процессе. Меры, обеспечивающие неуклонение обвиняемого от правосудия. СПб.: Сенатская типография, 1906. 645 с. (Lublinsky P. I. Freedom of the individual in the criminal process. Measures to ensure the non-avoidance of the accused from justice. St. Petersburg: Senatskaya tipografiya, 1906. 645 p.)

16. Могуйло Т.В. Проблемы реабилитации в уголовном процессе России. Современность в творчестве вузовской молодежи: Материалы научно-практической конференции молодых учёных. – 2013. – С.119–125. (Moguylo T. V. Problems of rehabilitation in the criminal process of Russia. Modernity in the work of university youth: Materials of the scientific and practical conference of young scientists. - 2013. - p. 119-125.)

ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

6 ЖИЛД, 3 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 6, НОМЕР 3

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 6, ISSUE 3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000